

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚУМИТАСИ


Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 64 (65940)
1996 йил, 4 сентябрь, чоршанба

Сотувда эркин
нархда

ГУЛЛА, ЯШНА, КАМОЛ ТОП, БАХТИ БЕКАМ ВАТАНИМ!

«СЕХРГАРМИ БУЛАР?» — ДЕДИ ХОРИЖЛИК БИР МЕХМОН



Уз юртинг ҳақида бировлардан, айниқса хорижликлардан суз эшитсанг, беихтиёр қулоқларинг динг бўлиб, у гап қайси тилда янгрмасин, тушунавтар экансан.

Келинг, воқеани бошдан айтиб бера қолай-да, сиз ҳам тушуниб олинг.

Байрам танталари бошланишидан сал аввал Мустақиллик майдони томон борардим. Мен билан ёнма-ён кетиб бораётган икки хорижликнинг: «Сеҳргарми, булар? Қара, беш йилда шунча узғариш, уруш-жанжалсиз, тинч-тотувлик билан, шу кетишда кетаверса, хаш-паш дегунча мана-ман деган қудратли мамлакатларни ҳам ортда қолдиради», — деган гапларини эшитиб қолдим.

Юқорида айтганимдай уз юртинг ҳақида гап кетса, қулоқларинг уз-уздан динг бўлиб, сузларни дарров тушуниб хуплайверар экан. Сух-

батнинг давоми Президентимиз, унинг оқилу донолиги, узоқни кўра билиши, халқпарварлиги ҳақида кетди.

— Инглиз тилини биласанми, қизча, — деди меҳмонларнинг бири менинг уларга эътибор бераётганимни кўриб.

Мен анчадан буён урганаётганимни айтдим.

— Яхши гапирар экансан, — олқишлади у. Кейин Ўзбекистонга Президентимиз кубоги учун ўтказилаётган мусобақаларда қатнашиш ниятида қелганлигини айтди.

— У киши ақлли одам, — деди у суҳбатни давом эттириш мақсадида.

— «Бу ерга келиб янги, гуллаган, яшнаган, одамлари бахтиёр, бақувват, келажаги ҳақиқатдан ҳам порлоқ мамлакатни кашф этдим», деди иккинчиси худди кап-катта одам билан гаплашаётгандай.

Ватанимизга яхши ниятда келган бу одамлар билан бирга Бош майдонимиз томон йўл олдим. Томошаларнинг зўри, саргузаштларнинг мули шу ерда эди.

«Тонг юлдузи» ёш мухбирлар мактаби» аъзоси эканлигим сабаб мамлакатимиз Бош майдонида курган-кечирганларимни қозғога тушира бош-

ладим.

Гуллар, табаасумлар, бахтиёр инсонлар, хуллас оламнинг барча шодликлари жамул жам эди бу ерда. Айниқса менга миллий қадриятларимиз, озодлик, хурлиқни улғулловчи, мадҳ этувчи театрлаштирилган томошалар, раққосу, раққосалар, қушиқчилар чиқиши, ёш спортчиларимизнинг курғазмали ҳаракатлари жуда ёқди.

Республикаимизнинг турли вилоятларидан пойтахтимиздаги байрамни уз кўзлари билан куришни истаб келган тенгдошларимнинг сон-саногини йўқ эди. Улар билан бўлган мулоқотлар, айниқса мени қувонтирди. Ҳатто улар орасида Афғонистон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистондан келган болалар ҳам бор эди.

— Бундан беш йил аввал сиз шундай катта бахтга эришдингизки, уни менинг бобом орзу қила-қила ёруғ оламдан кўз юмди, — дейди узини афғонистонлик ўзбеклардан деб таништирган Абдулазиз Муҳаммад исмли меҳмон. — Мен таитаналарда иштирок этиш учун фарзандларимни ҳам олиб келдим. Илгарилари бу ҳақда уйлашнинг узи чи-

қиб бўлмас чўққидек эди. Зора, мустақиллик байрамингизда иштирок этаётганимдан бобом руҳи шод бўлса...

— Сизга олам ҳавас қилмоқда, — дейди қозоғистонлик Арслон оға, — Илоё озодлигингизга, хурлигингизга, тотувлигингизга кўз тегмасин.

Диққатимни узини Фарғона вилояти, Қува туманидаги спорт мактаби қатнашчиси деб таништирган Нодир Раҳматовнинг сузлари тортди.

— Фарғона вилоятидаги энг кекса спорт мактабларидан ҳисобланган масканимиз мустақиллик туфайли кўп ютуқларга эришди, келгусида «халқаро олимпиадаларда иштирок этиш мақсадимиз бор. Ҳозирча вилоятда ва республикада ўтказилган талайгина спорт беллашувларида иштирок этдик. Бу йил икки мактабдошим ҳарбий танк билим юртига ўқишга қабул қилинди. Улар Ватанимизнинг ҳақиқий посбонлари бўлиб етишишмоқчи.

Томошаларга дадаси билан келган, Марғилон шаҳридаги 2-мактаб ўқувчиси Нодирахон Бойдадасовнинг ҳам байрам таассуротлари бир олам экан. Унга эстрада юлдузлари жамлигида ижро этилган



«Халқ бўл элим» қушиги жуда ёқибди. Майдонга келгунга қадар мустақиллик туфайли болажонлар учун барпо этилган «Тошкентленд», «Меҳржон» боғларидаги сайлларда қатнашибди. «Президентимиз муҳим давлат ишлари билан банд бўлишларига қарамай, биз туғримизда ҳам тинмай гамхўрлик қилмоқдалар, бунинг учун уларга катта раҳмат, дегин», — деди қизалоқ урнига гапириб унинг отаси Иброҳим ака.

Хуллас, ҳамюртларимнинг ҳаяжонли гаплари, тилаклари кўп экан. Мен ҳам уларнинг тилакларига ижобат тилаган ҳолда бахтли инсонлар сайлига қушилдим.

Гавҳар ОРИФХЎЖАЕВА,
Тошкентдаги 90- иқтисод
лицейи.
1-босқич ўқувчиси.

Суратларда: Бош майдонимиздаги байрам тантаналаридан лавҳалар.

Сураткаш: Рустам ШАРИПОВ



ИЛМДАН БИР ШУЪЛА ДИЛГА ТУШГАН ОН,



Мустақил юрт болалари иқтидорлидир

«НЕЧТА ТИЛНИ БИЛАСАН, ТАЛАБА?»


— Нечта тилни биласан, талаба?

Муродмирза узиға дабдурстдан берилган бу саволдан хайрон булди. Ялт этиб суҳбатдошларига қаради. Уларнинг чехрасида дустона меҳр, илтифот, шу билан бирга ҳавас ифодаси сезилиб турарди.

— Узбек, турк, рус, инглиз — жилмайиб жавоб берди у.

Талабалар бир-бирларининг елкаларига қўл ташлашди.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг биринчи босқич талабаси, 12 ёшли Муродмирза Шариповнинг ҳам курсдошлари билан тани-



шуви ана шундай ҳазил билан бошланган эди.

Иқтидорли усмир, олти ёшидан Республика ўқувчилар Саройи қошидаги математика, кейинчалик информатика, ёш иқтисодчи, сунъий тафаккур тугаракларига қизиқиш билан қатнашди. 84-сонли урта мактабни эса ҳар йили иккитадан синфини тамомлади.

Усмирдаги иқтидор, қобилиятни курган устозлар жамоаси, Муродмирзага Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги лицейда ўқишни маслаҳат беришди. Ва ниҳоят у лецейни ҳам аъло даражада тамомлаб, олийгоҳнинг энг кичкина толиби булди.

Муродмирзонинг келажидан умидимиз катта, — дейди Республика ўқувчилар Саройи қошидаги «Сунъий тафаккур» тугараги раҳбари, техника фанлари доктори Муборак опа Тешабоева. — Унинг елғиз ўзи компьютерда бемалол ишлаб, дастур ҳам туза олади. Ҳатто ҳамкасбларим билан қандай гаплашсам, фикрлашсам, тортишсам Муродмирза билан ҳам шундай суҳбатлашаман. У жуда қобилиятли бола.

Муродмирза билан тўрт тилда — рус, инглиз, турк в албатта узбек тилларида бемалол гаплашишнинг мумкин. Спорт билан ҳам мунтазам шугулланиб туради.

Биз Муродмирза Шариповни Ўзбекистонимиз мустақиллигининг 5 йиллиги байрам қилинаётган даврда олийгоҳ толиби булгани билан қўлаб, ўқишда янги-янги ютуқлар тилаймиз. Ватанимизда мана шундай иқтидорли инсонлар бор экан, улкан ниятларимиз амалга ошаверади.

Феруза ОДИЛОВА

Бир бор экан, бир йўқ экан. Санжар деган бола бор экан. Унинг иккита укаси, онаси, дадаси бор экан. Улар жуда иноқ яшашар экан. Санжар укаларига меҳрибон бўлиб, доим уларга қараб утирар экан. Дадасини, онасини хафа қилмас экан.

Бир кечаси ҳамма ухлаб қолганда, деразадан сеҳргар чол кириб келибди ва Санжарга бир уй китоб совға қилибди. Китобларнинг чиройли суратлари, эртаклари роса қизиқарли экан.

Бу Санжарнинг ўзи туқиган эртақ. Тўғрироғи бу унинг орзуси...

— Санжар, эртагингдан билдимки, китобни жуда яхши кўрар экансан. Айт-чи, китобнинг нимаси яхши?

— Узим китобни жуда секин ўқийман. Биров ўқиб берса мазза қилиб эшитаман. Айниқса, эртакларни яхши кўраман. Эртақ китобларни ўқиб беришадиганда кўзимга ҳамма нарса яхши кўринади. Эртақдаги паҳлавонлардек кучли бўлиб кетаман.

— Айт-чи, музқаймоқ яхшими, эртақми?

— Эҳей, қанча музқаймоқдан воз кечганман эртақ учун. Онажоним агар музқаймоқ емасанг, кечқурун зўр эртақ ўқиб бераман деганларида, ҳеч қачон музқаймоқ емайман, деб юборганман.

— Яхши кўрган китобингни номини айтиб бероласанми?

— Албатта яхши кўрган китобим Гуруғли. Бу китобни дадажоним жуда чиройли ўқийдилар.

Озод Ўзбекистонимиз мустақиллигининг 5 йиллиги нишонланаётган ушбу кунларда илм ўчоқлари-мактабларда ҳам қизгин фаолият бошланди. Юраклари илм олиш иштиёқида ёнаётган ўқувчилар уч ойлик таътилдан сўнг ўз жонажон мактаблари томон ошиқдилар.

Ўзига хос ҳаяжон, ҳадик билан илк бор қадам қўётган жонажон болажонларни мактабнинг сирли дунёси ўзига чорламоқда. Бугун озод ва обод йўллари тўлдириб биринчи синфга ўз ҳайратлари билан кириб бораётган кичкина авлод болаларига, ҳур Ўзбекистонимиз, унинг келажоғи учун қўяётган қадамингиз қўтлуғ келсин, деймиз.

Куйида шу авлод вакили бўлган Бухоролик Санжарбек Раҳимов билан бўлган суҳбатимизни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

САНЖАРНИНГ ЭРТАГИ

— Ҳозир Гуруғлини ёддан айтиб бероласанми?

— Шеърлари эсимда қолмаган, мазмунини айтиб бераман.

— Қайси ҳайвонни яхши кўрасан?

— Отни. Биласизми, дадам айтадилар, аввалги замонда ҳамма йигитнинг Гуруғлини кита ухшаган оти булган экан.

— Санда ҳам бўлишини хоҳлайсанми?

— Қанийди, менинг ҳам ўз отим бўлса...

— Санжар, айтишларича сен ёзишни билар экансан, қайси сўзларни ёза оласан?

— Она, мактаб, Ватан, дада, нон сўзларини ёза оламан. Сизга ҳам ёзиб кўрсатайми?

— Ёза олишингга ишонаман. Мактабни яхши кўрасанми?

— Жуда ҳам яхши кўраман. Кеча ўқитувчим билан синфда утирадиган жойим билан танишиб келдим. Ўқитувчи опам Дилфуза Жалилова жуда ҳам меҳрибон эканлар.

— Мактабларинг қандай аталаркан?

— Бухоро шаҳар, Баҳоуддин Нақшбандий номидаги 35-мактаб дейиларкан.

— Мана сен Ватан сўзини ёза олар экансан. Айт-чи, Ватан нима?

— Ватан, бу Ўзбекистон.

— Яхши, лекин шу Ўзбекистон деганда нимани тушунасан?

— Узимни, укаларимни, дадамни, онамни, мактабимни...

— Бўлди, бўлди. Тушунарли. Онангнинг айтишича, мактаб кийимларингни бошининг тагига қўйиб ётибсан. Нега ундай қилдинг?

— Чунки ҳаммадан олдин туриб, мактабга боришга тайёргарлик кўрмоқчи эдим.

— Мана, мактабларинг Баҳоуддин Нақшбандий номи билан аталар экан, шу одам ҳақида бирон нарса биласанми?

— Катта одам бўлганлар, ҳаммага яхшилик қилганлар.

— Сен катта бўлсанг ким бўласан?

— Министр бўлмоқчиман.

— Жуда яхши, орзуларингга эришгин.

— Сиздан бир нарса сўрасам майлими?

— Майли, майли.

— Айтингчи, Тошкентдан қарасангиз бутун дунё кўринадими?

— Нега ундай деясан?

— Чунки, Тошкентда яшайдиганлар дунёдаги ҳамма нарсани билишадиган. Мен ҳам мактабни тугатиб Тошкентга бориб ўқийман.

— Қандай яхши, ниятларинг амалга ошсин, Санжаржон. Авваламбор яхши ўқигин, сенга, сенинг каби юз минглаб болаларга уларнинг эртасига озод она Ватанимиз кўз тикиб турибди. Бугун сен илк бор билим ўчоғи остонасига қадам қўйдигин. Илоҳ, қадамларинг қўтлуғ келсин. Сен буюк алломалар яшаган тупроқ фарзанди эканлигингни унутма.

Сенинг томирингга Беруний тафаккурининг чўғлари, Форобий илмининг кенглиги, Ибн Сино заковатининг нозиклиги, Улугбек донишлигининг юлдузлари бор.

Сенинг қадамларингга Темур бобонг қудрати, шоҳ Бобур залвори ёр бўлсин.

Эндигина илм тилсимотини очмоққа киришган, болажон, сени боболаринг руҳи қўлласин.

Сенга озод ва ҳур Ватан мактаби муборак!

Юлдузхон.

ШУНДА БИЛУРСАНКИМ, ИЛМ БЕПОЁН

— Аёло ўқиш сиздан, унга яхши имкон яратиб бериш биздан, — деди сафга тизилган ўқувчиларга бир саховатпеша инсон.

Кўп ўтмай унинг ёнига Наманган вилояти Халқ таълими бошқармаси бошлиғи Ҳабибулло Убайдуллаев, Поп тумани қишлоқ ҳужалик лицейи директори Абдурахмон Мамажон


ИМКОН ҚАНЧА? ЕТАРЛИ ҒАЙРАТ БЎЛСА БАС

новлар ҳам қўшилишди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмади. Гурумсарой қишлоғидаги 57-мактаб юқоридаги сингари саҳий инсонлар кўмагида яхшигина таъмирланди, фан хоналари қайтадан жиҳозланди, зарур ўқув ва спорт анжомлари келтирилди. Ўнг қувонарлиси, ушбу ўқув йилидан бошлаб болалар ўрганишлари учун компьютер синфи ҳам очилди.

Ҳозир бекаму куст жиҳозланган синф хоналарида 350 нафар ўқувчи янги ўқув йилини ғайрат билан бошлаб юборишди.

ОЛИМЖОН АБДУНАЗАРОВ,
Наманган вилояти,
Поп тумани.



Қашқадарё вилояти, Усмон Юсупов туманидаги Собир Раҳимов номи мактабнинг кичик санъаткорлар жамоаси Республикамиз мустақиллигининг 5 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловида ғолиб чиқишди. Вилоятдаги бир минг бир юзта мактаб орасида ғолиб бўлиш катта ғалаба албатта.

Файзулла ЭШҚУЛОВ.

Пойтахтимиздаги 112-мактаб ўқувчилари «Ташгипрогор» ташкилотларида ишлаётган қурувчи амакиларидан совға олишди. Бу — 1300 ўринга эга бўлган янги мактаб биноси эди. Унга бобокалонимиз Амир Темур номи берилди.

Ойгул УБАЙДУЛЛО қизи.

Чирчиқ туманидаги «Бойчечак» номи 429-болапар боғчасида кичкинтойларни мактабга қўзатиш тантанали ўтди. Унда ота-оналар номидан сўзга чиққан «ЎЗКОЖ Тошкент» ўқув ишлаб чиқариш корхонаси директори муовини Абдувоҳид Раҳимов тарбиячиларга катта миннатдорчилик билдирди. Мураббиялар болапарга ўқув анжомлари совға қилдилар.

Чориёр ГУРТҚИЛИЧЕВ.



Рустам Хўжаев шеъри,
Аваз Мансуров мусиқаси.

ЁРҚИН ЮЛДУЗ — ЎЗБЕКИСТОН!



Олам аҳли қилар мафтун,
Бу Ватанинг гул жамоли.
Истиқлолдан бағри бутун,
Юксалгай унинг камоли.
Ўз йулини танилаб дадил,
Борар илдам — мақсад улур.
Ривожига беш тамойил
Асос бўлган — ният қутлур,
Нақорат:
Жаҳонга кенг йўл очмоқда,
Тиним билмас кундуз бўлиб.
Ўзбекистон нур сочмоқда,
Шарқда ёрқин юлдуз бўлиб.
Ёрқин юлдуз — Ўзбекистон!
Порлоқ юлдуз — Ўзбекистон!

Ҳалол меҳнат обрў топар,
Ҳаёт жушқин бу дийрда.
Ушадди халқнинг орзуи, —
Эрку иқбол ихтиёрида.

Она юртнинг куч-қудрати
Тенглик, тинчлик, тотувликда.
Халқнинг ортар шон-шухрати,
Еру осмон ва сувликда.
Нақорат:

Кутубхона — нурхона

Энг севган машғулоти — китоб ўқиш. Икки йил давомида унга яқин қисса, романлар ўқиб чиқдим. Айниқса менга Худойберди Тухтабоевнинг «Мунгли кузлар», «Жаннати одамлар», Уткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» романи, Чингиз Айтматовнинг «Оқ кема» қиссаси жуда ёқди. Асар қаҳрамонлари ҳақида доим уйлаб юраман. Кимсан ака, Низомжон, Бола қиёфалари куз унгимдан кетмайди. «Жаннати одамлар»даги болага жуда — жуда ҳавасим келади.

Менинг биринчи ўқиган

КИТОБЛАР ЮРТИДА РОСА ЯЙРАДИМ

катта асарим Худойберди Тухтабоевнинг «Сариқ девни миниб» романи бўлди. Кейинчалик бу китобнинг давомини, яъни «Сариқ девнинг улими» ни топиб ўқигач, тезроқ шунга ухшаш асарлар ўқигим кела бошлади. Ҳошимжон ҳаётининг давомини, янги утириқларни тутиши кўп қизиқтиради. Ахир у китобда деярли энди у жиноят-қидирув ишларини бошлаган-ку.

Саид Ахмаднинг «Уфқ» романидаги Низомжон акага қаттиқ ачинаман. Иноят оқсоқолдан нафратланаман.

Уткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» романида кўп образлар бор. Кимсан аканинг урушдаги жасорати ҳатто ўлим олдидаги матонати сира куз унгимдан кетмайди. Китобда Қора амма, Мунаввар, Робия, Музаффарга ухшаш яхши қаҳрамонлар кўп.


Ҳар гал қўлимга янги асар олар эканман, гуё узга юртга саёҳатга отланаётгандек, мени янги саргузаштлар кутаётгандек туюлаверади. Тезроқ асарни тушуниб ўқишга шошиламан.

Истардимки, Худойберди Тухтабоевнинг асарларидек, Оқилжон Ҳусановнинг «Тогда усган бола» қиссасидек болалар учун гаройиб асарлар кўпроқ яратилиб, қишлоқ болаларига ҳам етиб келса, Бой кутубхоналардан фойдаланиб, чет эл адабиётларини тушуниб ўқий олиш — келажакдаги орзуим.

Ўзим мактабни битиргач, ички ишлар ходими бўлиб, жиноятчиларни йўқотишни орзу қиламан.

ШЕРЗОД ТЎЛАГАНОВ,
Янгийўл туманидаги
3-ўрта мактабнинг
5-синф ўқувчиси.

Бу қўшиқни ўрганинг



Кутлов

ДИПЛАРНИ
ШОД ЭТДИ
КУВОНЧИ
ХАБАР

Кум-кук, мусаффо осмонга тикилганча ҳаёл суриб ётардим. Бир вақт ҳовлиққанча дўстим Зоҳид келиб қолди.

— Эшитдингми, Самарқандимизга бобомиз номидagi «Амир Темури» орденини беришибди.

Мен бу ҳақда мактабдошимдан аввалроқ газетада ўқиган бўлсам-да, сир бой бермадим.

— Қойил Самарқандимиз довруғи бундан ҳам кўпроқ оламга дoston бўларкан-да! — деди Зоҳид қувончимга яна қувонч қўшиб.

Чиндан ҳам шодлигимиз бир олам эди. Ахир «Ер юзининг сайқали, номини олган қадимий шаҳримизни ҳатто «Ўзбекистонданмиз» дейишган вақтда ҳам ҳеч ким танимаган «қизил тузум» даврида ҳам хорижликлар яхши билишарди.

Шуларни ўйларканман, кўнглим гурурга, фаҳрга тулиб, кўз унгимда Самарқанднинг бутун ҳусни, салобати намоён бўлди. Шу тобда бу афсонавий гузал улкада тутилганимдан Аллоҳга минг шукурлар айтдим.

Қадрли ҳамюртларим, боболарим, момоларим, ака-опа, ука-сингилларим, тенгдошларим! Сизларни буюк даҳолар юрти бўлган Самарқандимизни олий нишон олгани билан қизгин кутлайман. Яна бир шодлик, қувончли хабар муборак бўлсин.

Шавкат ҚЎЗИЕВ,
Самарқанд шаҳридаги
1-мактаб ўқувчиси.

Сумбуланинг таъруфу тавсифи, узига хос ҳислат хусусиятлари файзу тароватлари, латофатлари ниҳоят кўп. Донишманд халқимиз асрлар давомида уларни тажрибада қайта-қайта синаб куриб, муайян хулосаларга келганки, улар эндиликда ҳам, бундан кейин ҳам ҳеч қачон ўз мазмун моҳиятини йўқотмайди.

Сумбула авваламбор, ўзининг салқин, ёқимли ва муътадил об-ҳавоси билан кишиларга роҳат, қалбларга қувонч бағишлайди. Деҳқон меҳнатининг, боғбон гайратининг, чорвадор шижоатининг самараси шу ойда кўпроқ намоён бўлаверади. Пахта қийғос очилади, йиғим терим бошланади. Ўзум, мева, анжир, анор, қовун, тарвуз, помидор ва бошқа пайкал неъматлари гарқ пишди, маккажухори дони тулишиб, тайёр булади. Чорва моллари тез семиради, ситирлар сути тагин ҳам қуюқлашади. Хуллас, вақтида астойдил меҳнат қилган деҳқон, боғбон ва чорвадорнинг галвири сувдан тулиб чиқаверади. Шу сабабли юрғида ути, билагиди кучи бўлган одам сумбулада тиниб-тинчимади. Ҳамманинг фикри-ёди етиштирилган мул ҳосилни сира нобуд қилмай, аъло сифат билан тез ва соз, ёгин-сочинга қолдирмай саранжом-сариништа қилиш билан банд булади.

Сумбула мул-қўлчилик ойи. Бошқасини қўяйлик. Жумҳуриятимиз шаҳарларидаги мева-сабзавот бозорлари манзарасига бир назар ташлаган одам сумбула таровати ва кут-барақаси беқийёслигига гувоҳ бўлади-ю, қалби қувончга тулади. Бошқа юртлардан ташриф буюришган меҳмонлар ҳайрату таҳсинларниқу қўяверинг.

Сумбула хайр-барақа ойи. Чунончи шу ойда йиғиб-териб олинган пахтанинг ҳаммаси юқори навл бўлади, йил ўн икки ой қилинган меҳнат деҳқонга катта даромад

келтиради. Ҳосилдан бўшаган майдонлар вақтида шудгор қилиниб, келгуси йил мул ҳосилига мустаҳкам замин яратилади.

Сумбула доҳил бўлиши билан соҳибкорлар ҳам енг шимариб ишга киришадилар. Дастлаб қора киши, сўнгра оқ киши нав ўзум-



лар йиғиб-териб олинади, майиз қўригилади. Тажрибадорлар ўзум узини ва майиз қўригишни сумбула чиқмай туталлаш зарур эканлигини тавсия этадилар. Негаки қўригиш учун ёйилган ўзум устига ёмғир тушгудек бўлса, майизнинг сифати паст бўлади. Бу тавсия оқ жўхори, маккажухори дони ва қўпгина мева сабзавот йиғим-терими учун ҳам тааллуқлидир.

Бу ой кириши билан табиатда ҳам узига хос ўзгаришлар содир бўлаверади. Ўзтибор берсангиз, сумбуланинг дастлабки куниданоқ булутли кунлар қўпайиб, тез тез шамол эса бошлайди. Ҳарорат пасаяди, кечалари, айниқса, салқинлашади. Булоқлар, дарелар суви камаяди. Шунинг учун ҳам кишлоқ кишилари: «Сумбула ёз билан киш уртасидаги ганимат фурсат,

унинг ҳар бир куни ва ҳар бир дақиқасининг қадрига етиш керак», «Сумбула чиқиши билан изғирин бобо, ундан сўнг қорбобо эшик қоқад», «Сумбула салқин билан огоҳлантиради», «Сумбулада сув тинир» каби уғит ва ибораларни тез-тез такрорлаб турадилар. Табиат «Ернинг ички ҳарорат нафаси қайтди, тупроқ совуди, ҳушёр бул, ҳамма ишинини тезроқ саранжом қил, ҳадемай ёгин-сочинли кунлар бошланади, панд еб қолма тагин», дея огоҳлантиради. Яна бир гап: қузатувчан одам сумбула кириши билан дафъатан сокинлик чўққанлигини сезади. Чунончи, қўмчуқлар ҳалсанда аввалгидек жавраб қирқиллашмайди, лайлак, қалдирғоч, кўкқарга, сасиқпопишак каби иссиқ улкаларга сафар қилувчи қўшлар биринкетин қўринмай қолади, кун қисқалиги сезилиб қолади. Қуёш боғиши билан дарҳол атрофга қоронғулик чўқади. Кечалари осмон қоп-қора тусда бўлиб, юлдузлар йирик, равшан ва анча қўпайгандек қўринади. Хуш, нега шундай? Буларнинг ҳаммаси юқорида айтганимиздек иссиқ-илиқ кунлар уғит, совуқлар фасли яқинлашаётганлигидан далолат, албатта.

Сумбулада ёгингарчилик деярли бўлмайди. (Ҳар ўн беш, йиғирма йилда содир бўладиган сийрак тасодифлар бундан мустасно). Ҳавонинг ҳарорати уртача 18-20 даража атрофида бўлади. Кексаларнинг хотирлашларича сумбулада баъзан ниҳоятда иссиқ ёки аксинча, дурустгина совуқ кунлар ва тунлар кечиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Аммо қўзғи тенг қўнлилик (мезоннинг кириши)дан сўнг изғирин совуқ ва ёгингарчиликлар бўлмайди, деб қафолат бериш қийин. Бир суз билан айтганда сумбула тулунлиқ ойи. Билимлар билан дилингизни тўлдиринг, нигоҳингизни майинлик билан, ўзингизни сабру-бардошта мойил-сокинлик билан!

Кутлов

ЯШИЛ
ШАҲРИМ
БАХТИ

— «Турон»чилар қазини вақтида яна бир янги шаҳарни топишибди.

— Қасрда?

— Бобомиз Амир Темури ҳайкалинини ўрнатиш учун қўқур қазилаётган жойда.

Ушанда янги бир қадимий шаҳар топишгани ҳақидаги хабар яшин тезлигида ҳамма ёққа тар